

АЛЛОМАЛАР ВОРИСЛИГИ

Усмонов Ж., ГулДУ талабаси

Марказий Осиё жаҳон фалсафий тафаккурининг ўчоқларидан эканлигини ўтмиш фалсафий тарихимиз ва ҳозирги фалсафий тафаккур ривожини ҳар томонлама исботламоқда. XX-аср Ўзбекистон фалсафий тараққиётида ўзига хос ўринга эга бўлган алломаларимиздан бири академик Ж.Туленовдир. Ж.Туленов фалсафанинг долзарб масалаларига жуда катта ҳисса қўшиб, ҳозирги давр фалсафий тафаккуримизнинг етук файласуфлари томонидан эътироф этилган том маънодаги файласуфдир.

Жондор Туленов фалсафанинг долзарб масалаларидан, жумладан қадриятлар фалсафасига ҳар томонлама назарий ҳисса қўшган аллома ҳисобланади. Жумладан ўзининг «Қадриятлар фалсафаси» номли асарида «қадрият» атамаси ҳақидаги фикрларга ўз муносабатини билдириш билан бир қаторда «Қадрият» категориясига ўз таърифини бериб, шундай ёзади: «Қадрият дейилганда инсон ва инсоният учун аҳамиятли бўлган, миллат, элат ва ижтимоий гуруҳларнинг манфаатлари ва мақсадларига хизмат қиладиган табиат ва жамият ҳодисалари мажмуи тушунилмоғи лозим».

Жондор Туленов, инсон ва унинг ҳаётини энг олий қадрият, деб билади. Инсон йўқ жойда бирон нарсанинг кадр қиммати ҳақида сўзлаш бемаъниликдир, деб ҳисоблайди.

У қадриятларнинг хилма-хиллиги ҳақида тўхталиб табиий қадриятларга ер ва ер ости бойликлари, сув, ҳаво, ўрмонлари, ўсимликлар, ҳайвонот дунёси ва бошқаларни, маданий-маънавий қадриятларга илмий-техникавий ва интеллектуал имкониятлар, маориф, таълим-тарбия, тиббий хизмат, миллий мерос, турли шаклларда намоён бўладиган маданият дурдоналари, тил, адабиёт, санъат, халқ, ҳунармандчилиги маҳсулотлари, ноёб тарихий ва маданий ёдгорликлар, архитектура ва ҳ.к. Ижтимоий-сиёсий қадриятларга эркинлик, тенглик, биродарликни киритади.

Жондор Туленов қадриятларни амал қилиш доирасига кўра миллий, минтақавий ва умуминсоний турларга бўлади. Олим миллий қадриятлар мураккаб ижтимоий-руҳий ҳодиса бўлиб, у миллатнинг тили, маданияти, тарихи, урф-одатлари, анъаналарини, жамики моддий ва маънавий бойликларини, иқтисодий, ижтимоий-сиёсий ҳаётининг барча томонларини қамраб олади, деб ёзади.

Минтақавий қадриятлар маълум ҳудуднинг иқтисодиёти, маданияти, тарихи, тили, дини, урф – одат ва анъаналари, муштарак бўлган халқлар манфаатларига хизмат қиладиган табиий ва ижтимоий ҳодисалар мажмуасини, умуминсоний қадриятлар барча миллатлар, элатлар ва халқларнинг мақсад ва интилишларига мувофиқ келади, деб таъкидлайди. Умуминсоний қадриятлар туркумига, инсоният цивилизациясининг тараққиёти билан боғлиқ бўлган умумбашарий муаммолар киради. Улардан энг асосийлари Ер юзида илм-фанни тараққий эттириш, тинчликни сақлаш, ядровий қуроолларнинг пойгасини тўхтатиш, халқаро ҳавфсизликни таъминлаш, турли касалликларнинг олдини олиш, табиатни муҳофаза қилиш, қашшоқлик ва саводсизликка барҳам бериш, саноат ҳом ашёси, энергия манбалари ва озиқ-овқат билан таъминлаш, коинотга ва жаҳон океани ресурсларини ўзлаштириш билан боғлиқ бўлган муаммолар киради, деб ёзади.

Аллома ўз асарларида Шарқ цивилизациясининг маданий-маънавий қадриятларига алоҳида ўрни, қадриятларнинг халқимиз миллий онги, маънавий-ахлоқий баркамоллигидаги ўрни, маънавий етук, маърифатли инсоннинг жамиятдаги ўрни масаласига ҳам алоҳида эътибор қаратган.

Умуман Жондор Туленов асарларида қайд қилинган масалалар, кеча ҳам бугун ҳам, ўз аҳамиятини йўқотган эмас. Демак ўтмиш ва замонавий алломаларимиз меросида узвий ворислик мавжуд бўлиб, бу жиҳатни талабаларимизга етказиш ўтмиш билан бу ворисларни ворисийлик бурчимизни англашга хизмат қилади.

Адабиёт:

1. Қариятлар фалсафаси – Т.: Ўзбекистон, 1998.